




# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЁСII  
ГАЗЕТАСИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 113 (9.610) 2001 йил 27 сентябрь, пайшанба ◆ Сотувда эркин нархда

## МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК- ОСОЙИШТАЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК



26 сентябрь куни Тошкентда II чақирик Халқ депутатлари шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳридан Олий Мажлисга сайланган депутатлар, туманлар ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Озод ва обод Ватанимизнинг муқаддас оstonаси бўлган Тошкент шаҳрининг, муазам пойтахтимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги муносиб ўрни ҳақида ортқча гапириб ўтиришнинг ҳождати бўлмаса керак, деди Президент. Чунки бу шаҳарнинг мамлакатимиз ривожланишида, фан ва техника, ўқув юртлири, таълим-тарбия, иқтисодиёт, ички ва ташқи савдо соҳаларида эгаллаётган салоҳияти ва аҳамияти барчамизга яхши маълум.

Дарҳақиқат, гўзал ва бетакрор шаҳарнинг кейинги йилларда янада чирой очиб, ҳар томонлама юксалиб, том маънодаги Шарқ дарвозаси, деган номга муносиб бўлиб, жаҳондаги манаман деган шаҳарлар қаторидан жой олиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга гурур ва ифтихор бахш этди.

Қисқа қилиб айтганда, ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий нуқтанан назардан қараганда, давлатимизнинг маркази, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг юраги бўлган асим Тошкентимизнинг ҳаёти, тараққиёт суръатларига қараб, Ўзбекистонимиз ҳақида, унинг бугунги ва эртанги иқболи-истiqболни ҳақида хулоса чиқаришимиз, унинг ёруғ бўлишига ишонч ҳосил қилишимиз муқаррар.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ҳақида тўхта-лар экан, ҳозирги вақтда бу ерда жами 355 та йирик саноат корхонаси ишлаб тургани, мамлакатимизда ишлаб чиқари-лиётган саноат маҳсулотининг қарийб 15 фоизи пойтахтимиз ҳиссасига тўғри келишини алоҳида таъкидлади.

Бу ерда тракторлар, самолётлар, экс-каваторлар, саноат учун зарур дастгоҳ ва ускуналар, мебель маҳсулотлари, кўплаб турдаги халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилиши пойтахт саноатининг канчалик кенг қамровли тизимга эга эканини кўрсатади. Улар нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон бозорига ҳам харидорчи бўлиб, АҚШ, Германия, Франция, Швейцария, Бельгия, Италия, Корея, Хитой каби хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Шаҳарда кичик ва ўрта бизнес ривожига катта аҳамият берилмоқда. Бундай корхоналарнинг саноат ишлаб чиқари-шидаги улуши жорий йил давомида 34 фоиздан 41 фоизга кўтарилди. Товар ай-ланганидан 48 фоизи, пуллик хизмат кўрсатишининг қарийб 28 фоизи хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича қарийб 20 мингта кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган 36 мингта яқин киши тадбир-корлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Кейинги йилларда шаҳар инфратузил-масини ривожлантириш борасидаги иш-лар кўлами кенгайиб бораётгани ҳам эъти-борни тортади.

Одамларнинг оғирини енгиб қилиш, улар-га муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш учун 630 километр канализация, 700 кило-метр газ, 500 километр ичимлик суви, 66 километр иситиш тармоқлари ишга туши-рилгани бунинг амалий тасдиғидир, деди Юртбошимиз.

Сўнгги йилларда шаҳарда барпо этилган 5 ярим миллион квадрат метр уй-жой аҳоли-нинг бу борадаги эҳтиёжини таъминлашга, кўп болали оилаларнинг яшаш шароитла-рини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда барпо этилган "Ин-терконтинентал", "Шератон", "Ле-мериди-ан" меҳмонхона мажмуалари, Халқаро биз-нес маркази, Банклар ассоциацияси, Олий Мажлис, Кўргазмалар мажмуаси, Темирий-лар тарихи музейи, Ўзбек миллий академик драма театри, Тошкент шаҳар ҳокимлиги бинолари каби кўплаб иншоотлар шаҳри-миз кўрқига янада кўрк қўшили.

Автотранспорт воситаларининг тобора кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида ав-томобиль йўллари кенгайтириш, янги йўл ва кўприклар қурилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 45 километр йўл қайта таъмирланди ва ободонлашти-рилди. Умумий узунлиги 4 километр бўлган 8 та мухташам кўприк бунёд этилди.

Тошкент метрополитенининг учинчи йўналиши барпо этилиб, мустақиллигимиз-нинг 10 йиллик байрами арафасида узунли-ги 7 километрдан зиёд 6 та янги бекат ишга туширилди.

Бу ҳам тошкентликлар, айниқса, Юнусо-бод туманида яшайдиган 300 мингта яқин аҳоли учун катта қулайлик туеириши шуб-ҳасиз.

Янгитдан барпо этилган Хотира майдо-ни, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуа-лари муқаддас зиёратгоҳларга айланган бўлса, "Диснейленд", "Аквапарк", Хайво-нот боғи, қайта таъмирланган Миллий боғ, Бобур номли, "Боғи Эрам" каби истироҳат масканлари ҳамшаҳарларимизга хизмат қил-моқда.

Шаҳарда замонавий спорт иншоотлари қуриш борасида катта ишлар амалга оши-рилди. Сўнгги йилларда бунёд этилган "Юнусобод", "Жар", "Динамо", "Гольф клуб", ёпиқ сузиш ҳавзаси каби мухташам спорт мажмуалари нафақат ўзининг меъмо-рий кўриниши, балки замонавий талаблар-га тўла жавоб бериши, ҳар томонлама қулай-лиги билан юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Биз жаҳон ҳамжамиятига интеграцияла-ниш йўлидан борар эканмиз, "Интернет" каби замонавий алоқа тизимлари имкони-ятларидан кенг фойдаланишга катта аҳами-ят берамиз, деди Ислон Каримов. Ахборот асри — XXI асрда кечаётган глобаллашув жараёнлари шуни таъқозо этмоқда. Шу маъ-нода, Тошкент шаҳрида коммуникация ти-зими, жумладан, алоқа хизматини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ҳам диқ-қатта сазовордир.

Бу ерда ҳаммаси бўлиб 32 минг номерга

мўлжалланган 11 та янги алоқа станцияси қурилди, шунингдек, амалдаги алоқа стан-цияларини қайта таъмирлаш ҳисобига улар-нинг қуввати 8 минг номерга оширилди.

Пойтахт аҳолининг кўз ўнгига шаҳарнинг замонавий асосда ривожланиб, янада кўрку чирой очиб бораётгани, обод маҳалла ва гузарлар, замонавий лицей ва коллежлар, янги-янги ўқув юртлири — барча-барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаро-воллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Сессияда эришилган ютуқларга ҳолисо-на баҳо берилиб, шаҳарнинг муаммолари, шаҳар аҳолисини таъминлаш солаётган қий-инчиликлар ҳақида ҳам фикр юритилди.

Бундай муаммолар орасида олам зотини доим қийнайитган — турар-жой, коммунал хизмат, газ, ичимлик суви, иссиқлик таъ-миноти каби масалалар алоҳида ўрин тут-ди, деди Юртбошимиз.

Хусусан, бугунги кунда Тошкент шаҳри-даги мавжуд 9 мингдан ортқ кўпқаватли уйнинг 4 мингтаси ёки 45 фоизи капитал таъмирга муҳтож. Бундай аҳвол, айниқса, Чилонзор, Юнусобод туманларида, Мирзо Улугбек туманининг Қорасув даҳасида, Ҳам-за туманининг Авиасозлар, Собир Раҳимов туманининг Қорақамши мавзеларида яққол кўзга ташланади.

Жойлардаги уй-жой ширкатлари томи-нидан мавжуд сув тармоқлари ўз вақтида таъмирланмагани туфайли пойтахт аҳоли-сини ичимлик суви билан таъминлаш маса-ласи тўлиқ ҳал этилмаган. Айниқса, кўпқа-ватли уйларнинг юқори қаватларига сув чиқ-маслик ҳолатлари кўп учраб турибди, деди Президентимиз. Ҳамза туманидаги Қурул-чилар ва Лисунов, Иккинчи Қўйлик мавзе-сидаги кўпқаватли уйлар, Акмал Икромов туманининг Абдор Хидоятлов ва Ойдин Со-бирова маҳаллаларида, Юнусобод тумани-нинг Ҳасанбой мавзесидаги ҳовлиларда яшовчи аҳолини сув билан таъминлашга ҳа-нузугача узилишларга йўл қўйилмоқда.

Таъмирланиши лозим бўлган сув тар-моқларининг 42 фоизи, газ узатиш тармоқ-ларининг 60 фоизи қишқи мавсумга тайёр-ланмагани, айниқса, жиддий ташвиш уйғо-тади. Бундан ҳам ачинарлиси — қишқи мавсум учун мўлжалланган кўмирнинг 73 фоизи, суюқ ёнилғининг эса атиги 14 ярим фоизи жамғарилган, ҳоло.

Утган йилги қиш мавсумининг тажриба-сидан келиб чиқиб, туман ҳокимликлари, жумладан, Чилонзор, Акмал Икромов ту-манлари раҳбарлари уйларни иссиқлик бил-лан таъминлаш ишларига эътиборни мут-лақо ўзгартиришлари лозим. Ҳозирги кунда аксарият иссиқлик узатиш станциялари, 161 километр узунликдаги иссиқлик тақсимлаш қувурлари, қарийб 40 километр магистраль тармоқлар янгиланишига муҳтож бўлиб қол-ган.

Албатта, катта маблағ, катта куч талаб қиладиган бу муаммони бирдангина, бир-икки йилда ечиб бўлмадигини ҳаммамиз ҳам тушунамиз, деди Президент. Лекин бу масалани босқичма-босқич ҳал этиш учун биргаликда бош қотиришимиз, зарур имко-ният ва молиявий манбаларни излаб топ-ишимиз керак.

Бутун дунёда ҳамма нарса, энг аввало, сув, электр, ёқилғи каби ресурсларнинг қат-тиқ ҳисоб-китоби бор. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бирон корхона ёки хона-

донга газ, сув ўлчаш мосламаси ўрнатил-са, харажатлар икки-уч баравар кам бўлар экан.

Шуни инобатга олиб, шаҳарда 2005 йилгача 680 минг донадан зиёд сув ўлчаш ва 504 мингдан ортқ газ ўлчаш мосла-малари ўрнатиш режалаштирилган эди.

Лекин жорий йилнинг 1 сентябрь ҳола-тига кўра мавжуд 9 минг 772 та кўпқават-ли уйнинг тахминан 6 фоизига сув ўлчаш асбоблари ўрнатилган, ҳоло.

Чилонзор, Бектемир, Ҳамза, Мирзо Улугбек, Шайхонтоҳур, Юнусобод туман-ларида бу ишларни тезлаштириш зарур. Бу ишни изчил давом эттирсак, истеъ-молчилар ҳам, таъминотчилар ҳам бун-дан фақат манфаат кўриши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керак-ки, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари аҳоли ора-сида бу масала бўйича етарли даражада иш олиб бормапти.

Бунинг оқибатида коммунал хизмат-лар тўлови бўйича аҳолининг қарзи кўпаймоқда. Шу йилнинг 1 январь ҳола-тига кўра, бу қарзлар 2 ярим миллиард сўмни ташкил этган бўлса, июль ойида бу кўрсаткич 3 миллиард 700 миллион сўмга етиб, бир ярим баробарга ортган.

Бу қарзларнинг 65 фоизини газ, сув ва иссиқлик манбаларидан фойдаланганлик учун тўловлар ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизда соғлом ав-лод тарбиясига алоҳида эътибор берил-моқда.

Президент шу ўринда бир ҳаётий ми-сол келтирди. Айтилайк, деди у, ўқувчи тушдан кейин мактабдан келиб кечгача бўлиб қолади. Ота-она ишда. Хўш, у нима қилади? Табиийки, зерикади, кўчага чи-қади. Бола кўчада зарарли таъсирларга тушиб, ҳар хил гуруҳларга қўшилиб қол-маслиги учун биз ўз фарзандларимиз-нинг буш вақтини мазмунли ташкил эти-шимиз, уларни қўшимча ўқиш, касб-хўнарга ўргатиш, спорт билан банд қилишга алоҳида ва доимий эътибор қара-тишимиз даркор.

Бундай муаммоларни ечишда ички иш-лар ходимларининг, аввало, маҳаллалар-да фаолият кўрсатаётган милиция ин-спекторларининг хизмати ва масъулияти катта бўлиши зарур.

Жамиятда учраб турадиган кўпгина салбий ҳолатларнинг юзага келиши аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг етарли эмаслиги билан боғ-лиқ. Лекин, афсуски, жорий йилда 15 минг фуқаронинг иш билан таъминлаш тўғрисидаги мурожаатидан фақат 40 фо-изи қаноатлантирилган, ҳоло.

"Маҳалла" ҳамда "Нуроний" жамғар-маларининг шаҳар бўлимлари томони-дан кам таъминланган ва муҳтож оила-ларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб бораётган ишларининг ҳам самараси кўзга ташланаётгани йўқ.

Масалан, "Нуроний" жамғармасининг Миробод бўлимига утган йили моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 37 нафар кишидан 26 нафарига ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган. Ушбу жамғарманнинг Бек-темир туман бўлимига ёрдам сўраб муро-жаат қилган 11 нафар одамдан 7 тасига рад жавоби берилган.

(Давоми 2-бетда).

Гўзал ва бетакрор шаҳарнинг кейинги йилларда янада чирой очиб, ҳар томонлама юксалиб, том маънодаги Шарқ дарво-заси, деган номга муносиб бўлиб, жаҳондаги манаман деган шаҳарлар қаторидан жой олиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга гурур ва иф-тихор бахш этади.

Ислон КАРИМОВ

Ўзбекистон

Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

**К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида**

Козим Носирович Тўлаганов Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 25 сентябрь.

Ўзбекистон

Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

**К.Н.Тўлагановни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

Козим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими вазифа-сидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 25 сентябрь.

Ўзбекистон

Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

**Р.М.Шоабдурахмоновни Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Мавзурович Шоабдурахмонов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 26 сентябрь.

### Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Мавзурович ШОАБДУРАҲМОНОВ

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Мавзурович Шоабдурахмонов — 1962 йилда туғилган, ўзбек, маъ-лумоти олий, мутахассислиги иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1983 йили Ўзбекистон Рес-публикаси Фанлар академияси ишлаб чиқариш куч-ларини ўрганиш бўйича Кенгаши бош лаборантли-гидан бошлаган. Сўнг «Ўзбекқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида цех устаси, катта иқтисод-чи, ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ ўринбосари бўлган. Юнусобод туманида масъул вазифаларда ишлаган. Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбоса-ри, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, иқти-сод ва статистика бош бошқармаси бошлиғи вазифа-ларида фаолият кўрсатган. Кейин Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари, Ўзе-бекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статис-тика вазирининг биринчи ўринбосари ва вазир ва-зифасини бажарувчи, 2000 йилнинг ноябрдан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаб келган. У Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг депутатидир.

### Грант топширилди

Ўзбекистон Фанлар акаде-миясининг Абу Райхон Беру-ний номлидаги Шарқшунослик институтига АҚШнинг мамла-катимиздаги элчихонаси то-монидан грант топширилди. У мазкур илмий муассасада мавжуд нодир қўлёзмаларни сақлаш, тиклаш, нусха кўчи-риш каби ишларда институт-га ёрдам кўрсатиш мақсади-да ажратилди.

Шу йил бошида АҚШ Дав-лат департаменти ҳузурида ушбу мамлакатнинг элчилари томонидан Маданий меросни қадриятли равишда сақлаш ва тарихини бир-бири-асраш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўзбекистон жа-мғарма фаолият бошлаган йилиёқ унинг грантига сазо-вор бўлган санокли мамла-катлар қаторидан жой олди. Грантни топшириш маро-симиди АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мух-тор элчиси Жон Хёрбет ин-ститут ҳазинасидаги қўлёзма ва ноёб тарихий ҳужжатлар том маънода бутун инсоният-нинг мулки эканигини таъ-кидлади. Элчининг айтишича, Форобий, Абу Райхон Беру-ний, Абу Али Ибн Сино каби буюк аломалар қолдирган мерос Ўрта Осиё ва Фарб давлатларининг маданияти, тарихи ва динини бир-бири-асраш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўзбекистон жа-мғарма фаолият бошлаган йилиёқ унинг грантига сазо-вор бўлган санокли мамла-ти жуда катта. (ЎЗА).





Шарқ дурдоналари



• Ақлли одам бошқаларнинг хатосидан ибрат олади.

• Хар бир ишнинг ўз натижаси бўлади: мулоимлик — улуг мартаба, қаноат — роҳат, тавозе эъоз келтиради.

• Одамлар табиятан тўрт хил бўладилар: Лаин одам ўзи ҳам емайди, бошқаларга ҳам едирмайди. Саҳий ўзи ҳам ейди, бошқа кишиларга ҳам едиради. Карим ўзи емай, бошқаларга едиради.

• Тўғрилик билан хиёнат, ёлғончилик билан диёнат чиқиша олмайди.

• Қарз сўраш бошланса дўстлик ипи узилиб боверади.

• Эй фарзанд, тирик киши албатта дўстсиз бўлмайди. Ким билан дўст тутинсанг ҳам дўстлик қондалариға риюя қил. Хар ким дўстини эсига олмаса, дўсти ҳам уни эсга олмайди. Янги дўст топсанг, эски дўстларингдан юз ўгирма. Янги дўст кишиға улуг хазинадир. Баъзи одамлар сен билан ярим дўст бўладилар, улар билан ҳам яхши кечин, яхшилик қўрсалар секим-секим сен билан бир тан, бир жон бўлиб, чин дўстга айландилар.

Эй фарзанд, турмушнинг мўл-қўл ўтиб турган вақтида ўзларини дўст қўрсатиб, муҳтожликка тушиб қолганигда ташлаб кетган кишиларни дўст деб билма, чунки улар ҳақиқий дўст эмас, ош-нон дўстидир.

Агар дўстинг ҳеч сабабсиз сендан кўнглини узса у билан ошноликни тарқ қил, Таъмагир дўстдан узок бўл, унинг дўстлиги ҳақиқий эмас, таъма учундир. Ҳасадчи киши асло дўст бўлмайди.

• Уз нафсига асир бўлган одам инсонийликини қўлдан бой беради.

• Хўнар шундай отдирки, у минган кишини роҳат ва эътибор манзилига етказидаи.

• Баланд ҳимматли киши, агар умри дарахт гулидек қисқа бўлса ҳам халқ олдида мақбулдир. Ҳамма уни дилдан чиқармайди. Паст ҳимматли киши узок яшаса ҳам ҳеч ким уни ёдламайди.

• Ҳимматингизни туг балинд эл олдида, Ҳимматингизча мартабанг бўлгай балинд.

• Адаб ақл ва иймоннинг чирог, обрў-эътибор сармосидир.

• Фаровонлик истасанг, бахтли бўлганинда ҳам дўст-ёр орттиришга интил. Денгиз хар қанча тўлиб-тошса ҳам дарё сувига муҳтождир.

• Қадимги Эрон донишманди Бузурҷомеҳр айтади:

— Устозимдан: ҳаммадан яхшироқ нарса нима? — деб сўрадим.

Устозим айтди:

— Сихат-саломатлик, фаровон турмуш, саҳийлик ва хотиржамлик.

Яна сўрадим:

— Мардлик қандай қўлга киритилади?

— Шарму хаё ва баҳодирлик билан.

• Эзгу хулқ дўстликни, ёмон хулқ душманликни келтиради.

• Арасту Ҳаким айтади:

— Адабнинг кўрамлиги насабнинг ярамас томонларини беркитади. Фазилат асилзодалик ва насл билан эмас, балки илму адаб билан ҳосил бўлади.

• Жоҳил киши сукут қилиш билан жоҳиллигини яширсайди, ўртача ақлли одам ҳисобланарди, лекин жоҳиллик билан сукут иккиси бир одамда жам бўлмайди.

• Дўст уч хил бўлади: дўст, дўстингнинг дўсти, душманнинг дўшмани. Душман ҳам уч хилдир: душман, дўстингнинг душмани ва душманнинг дўсти.

• Илтижо билан ёрдам сўровчининг ҳимоячиси бўлишдан яхшироқ яхшилик йўқ.

• Агар сизни хурмат қилиб тўй, зиёфат, маърақага чақирсалар қабул қилин. Бирор зарур ишга банд бўлиб, боришингиз мумкин бўлмаса, узр сўраб, хурмат қилиб айтгани учун ташаққурингизни билдиринг.

Тақлиф қилинмаган бирор кишини ўзингиз билан тўй, зиёфатга бирга олиб борманг. Тўй, зиёфатга бормасдан илгари озгина овқатланиб олинг, у ерда очкўзлик қилиб таомни ҳадеб туширавериш айб саналади. Мезбон қандай овқат қўйса енг, эътироз билдирманг. Дастурхонга қўйилган ноз-неъматларнинг бир қисмини мезбоннинг руҳсатисиз уйингизга олиб кетманг, уятли иш қилган бўласиз.

Меҳмонларнинг қолган овқатларини зўрлаб ёки табаррук деб бир-бирларига едирдиларни ярамайди, бундай ишдан сақланиш керак. Зиёфат тамом бўлгандан кейин кўп эзмалик қилиб сўзлашиб ўтирмай, мезбонга ташаққур айтиш ва кетмоққа ижозат сўраш лозим.

• Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилик, инсоф, мулоимлик, олим ва фозиллар билан суҳбат, қариларга хурмат, кичикларга шифқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, ифбат ва адолат.

Қариларнинг хизматига боғла бел, Кўрсанг ўзингдан кичикини раҳм қил.

• Мана шу ўн гузал хислат одамга бахт-саодат келтиради: хаё, мурувват, садоқат, тавозе, меҳнат, саҳийлик, номус, омонатга вафо, адолат, хилм (юшқоқлик) ва шижоат.

Бу ўн ёмон хислат эса одамни фалоқатга судрайдди: ҳасад, адоват, бахиллик, такаббурилик, ёлғончилик, мунофиқлик, чақимчилик, хиёнат, жоҳиллик ва ялқовлик.

НАБОТ ОЛАМИДА

Шолғомнинг ёвойиси ва боғда ўсадиғани бўлади. У кўп мамлакатларда етиштирилади. Шолғом озиқ-овқат маҳсулотли сифатида истеъмол қилина-да, даволовчи восита ҳам эканлиги бироз унутилган. Ваҳоланки, у бир қатор хасталиклар учун шифобахдир.

Шолғом илди-мева саркибида 9 фоз қанд, минерал тузлар, дармондорилар, каротин, оксил, карбон сувлари, эфир мойи, калий, кальций, фосфор, темир каби микро ва макро элементлар сақлайди. Абу Али бин Синонинг ёзишича, шолғомнинг уруғини қўйиб боғланса ёки осиб қўйилса, ёлларни хайдайди. Сув ва туз билан қайнатилганда озиклиги кам бўлади. Унинг энг яхшиси семиз гўшт билан қайнатил-

Хосияти бир олам

ганидир. Шолғомни олиб ичини ўйиб, унга мум билан гулмоёнин солиб кўрга кўмб эритилган тери хасталикларни, совуқдан пайдо бўлган ва ярага айланган ёриқларга наф беради. Қайнатиб пиширилган шолғом ҳам шундай таъсир қўрсатади. Семиз гўшт билан пиширилган шолғом кўракни ва томоқни юмшатади. Шолғомни пишириб ёхўд хомлик ҳолича истеъмол қилинса, кўзағи фойда, нафас йўли хасталиклариди, юрак беҳало бўлганда ажойиб малҳам бўла олади. Шолғомнинг асл асал билан аралашган шарбати йўталга барҳам беришда, ҳарорат кўтарилганида, томоқ огриғида фойда қилади.

Шолғом парҳез-даво сифатида гипацида гастритда, ўт-сафой йўлида, спастик колитларда тавсия этилади. Унинг яллиғлиғиниғи қарши қўлланиладиган оғриқ қолдирувчи хосияти бор. Шолғомдан малҳам тайёрлаш учун 30 грамм олинб (обдон майдаланган), устига бир стакан қайноқ сув солинади ва 15 дақиқа қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатмадан чорак стакандан ичилади. Бир стакан бундай қайнатма арслон куйруқ ёки тог сумбули билан қўшилгани уйқусизликда яхши омил сифатида қўлланилади.

Шолғомни хомлиғича кейш қабзиятда фойдали. Меъда ва ичак ўткир яллиғланган пайтда, меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасига мубало бўлганларга уни хомлиғича истеъмол этиш тавсия этилмайди. Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.



КУЛГИ БЕКАТИ  
Аёл: — Азимим, сен агар рози бўлсанг, мен жанубга бориб дам олсам, давдим. Денгиз бўйида кўшга тобланганча фақат сен ҳақингда ўйлаб ётардим.  
Эр: — Яхшии, сен уйда ўтир ва оромқурсида ўтириб хоҳлаганинча денгиз ҳақида ўйлай-вер.  
Сайёх аёл меҳмонхона хизматчисига деди: — Мен вилотдан келганим боси мана шундай тор хонада яшамоқ розилик беради деб ўйлагисизми? Ҳеч қачон!  
Нега бу қадар шовашас, хоним. Ахир бу ер бо-йўғи лифт-ку!  
Археологик музейда экскурсовод олин идишини кўрсатиб деди: — Бизнинг эрамингизга бўлган IX асрнинг иккинчи ярми...  
— Қолган ярми қаёққа кетди? — деб сўради ҳеч нарсига тушунмаган зиёратчи.  
Ресторандаги хўранда: — Официант, менга эшикни келтиринг, кетмоқчиман.  
— Нега сен хотинингиз ролининг ўрнига флейтани ўрганишга мажбур қилдинг?  
— Эҳ, шунга ҳам ақлинг етмадики, ахир у флейта чала-ёттанида куйламайдик-да...  
— Отажон, бугун мактабда қисқартирилган ота-оналар мажлиси бўларкан.  
— Нега энди қисқартирилган?  
— Чунки мажлисда сиз мен ва директор катташар экан-да...  
Майпура НАБИЕВА

Инсон оламдаги мавжудотларнинг гултожи саналади. У яралибдики камолот сари интилади. Бу камолот йўлида адашди, тойилди, лекин барибир етуклик манзилига қараб олға бораверади. Аммо, инсон қанчалар камолот соҳибига айланмасин унинг табиати нуқсондан холи бўлмайди. Балки, инсоннинг айрим қусурларга эгаллиги уни ақсар ҳолларда ўз ҳадидан тажовуз этишга йўл қўймайди-дган омил бўлса ажаб эмас. Сабаби инсон камчиликсиз, адашмайди, хар соҳада мукаммал малака ва куч-қудратга эга бўлганида ҳам балки кибру ҳазо уни юзтубан этган бўлар эди.

XIX асрнинг бошларида Тошкентда Мулла Махмуд махдум номи билан машҳур бўлган ўткир зеҳшли олим ўтган экан. Бир куни махдум Чорсудан тан-дур сотиб олиб, уйга ўзлари кўтариб келди, шахарнинг бадавлат ва такаб-бур кишиларидан бири истеҳзо билан кулибди: — Ҳа махдум, нима қилиб тандир қилиб юрибсиз, ё қуйлагингиз Йирти-либ қолдимиз?

Ҳозиржавоб махдумнинг «Кейинги вақтларда кибру ҳазога бери-либ, кеккайиб кетибман, бўйиним сал энгашсин деб тандир қилиб олдим», деган жавоби бойни гузардагилар олдида музаам қилган экан.

Кўпинча биз бойликнинг такаб-бурлик билан, илмнинг қамтарлик билан эгиз ҳолатини баён қилу-вачи юқоридагидек мисолларнинг гу-воҳи бўламиз. Аммо, кибрунинг не-гизи муайян бир фазилат ёки сиф-фатлар билан қиёвланиб қолмайди. Туркироғи хар қандай фазилат кибру учун эшик очмоғи мумкин. Бундан илм ҳам мустасно эмас.

Ислом талқинига кўра, иблис одам яратилганига қадар фаришта-ларга дарс берган экан. Оллоҳ одамни яратиб, «Ва фаришталарга айтди: Одамга сажда қилин-дилар! Шу замон улар сажда қил-дилар. Фақат Иблисгина сажда қилишдан бош тортиди ва кибру ҳазога берилиб, кофирлардан бўлди» (2:34). Иблис одамга сажда қилишдан бош тортирган нарсани унинг фазилати бўлиб, у ўзи-ни одамдан кўра устун деб билган эди.

Иблис: «Тупроқдан яратган нарсанга сажда қиламанми?», деди (17:61). Иблис оловдан яра-тилган, шу сабаб у оловни тупроқ-дан азиз деб билди ва унга сажда қилишдан бош тортиди. Аммо бу ерда фақат оловнинг тупроқдан афзали-гининга таъкидласада, аслида унинг қалбида ҳасад ҳам кайнар эди. Чунки, одам иблис ва фаришталар билмаган билимларни билар эди.

«Агар (ер юзиде Оллоҳнинг) ўринбосари бўлишга биз ҳақли-миз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг ис-мларини Менга билдиринг!». Улар айтдилар: «Эй пок Парвар-дигор, биз фақат Сен билдир-ган нарсаларнигина билимиз. Албатта, Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибсан». (Оллох): «Эй Одам,

буларга у нарсаларнинг исмла-рини билдир», деди. (Одам) Уларга барча нарсаларнинг ис-мларини билдиргандан кейин (Оллох) айтди: «Сизларга Мен еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яшир-ган нарсаларни биламан дема-ганмидим?» (2:31-33.) Иблис одамнинг илмдан устунлиғида унинг ўз мақомидан пастроққа ту-шишига сабаб бўладиган омилини кўргандек бўлди. Шу сабаб унинг иззат-нафси, кибру ҳавоиси алан-галанади. Кўрьоний тафсилотлар ҳаммша ҳаётда акс этиши билан ҳам буюқдир. Мархум адиб Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романи қаҳрамонларидан бири Муҳиддин Жабборон образига биз ана шун-дай илм фазилати асосидаги та-каббурилик гувоҳи бўламиз. Бундай

га боринглар, чунки («Мен худо-ман» деб у) ҳадиддан ошди. Бас унга юшқок сўз сўзланглар!» (20:43-44). Оллох ўзини худо са-наган бир малъунга-да юшқок сўзламоққа чақирса-да, бу баки-роқлик қайдан пайдо бўлди? Аф-суски, ана шундай тўртта оятни ёд-лаб олиб, димоғидан кўрт ёғилди-ган чаламуллаларнинг савдосизли-гини ўлароқ баъзи ёшлар уларнинг ўзига, айримлари уларни усталик билан танқид остига ола билган турли радикал диний-сўсий оқи-млар таъсирига учрадилар. Айниқса, кейингиларнинг зарари кенгроқ сезилди. Чунки, уларнинг раҳна-моли бу ҳаракатлардан қўзланган асосий мақсадни ижрочилардан доимо сир тутадилар. Ислом дав-лати қурамиз деб бақириб-чақир-ган ваҳобийлар ҳам, халифалик давлатини барпо этиш фарз, дегувчи «Хизбут-тахрир» ҳам пинхона гараз-ли мақсад йўлида-ги бир воситалар-дир.

Маълумотларга кўра, ана шундай ислом дини таъли-мотини ўзларини гавий асосла-ри қилиб олишга уринаётган оқимлар сони икки юзтадан ортади. Уларнинг хар бири ҳам айни илм асосидаги такаббурилик-ни гох у, гох бу нуқтада намоён этадилар. Чунки уларнинг хар бири ўзлари даъво қилаётган ис-ломий бошқурув асосидаги ҳоқи-миятни мен қураман, деган даъво билан чиқади. Шу билан бирга ўзга оқимлар гоясини эътироф этмай-ди, билан кескин танқид остига олади. Масалан, «Ихвонул-мусли-мин» ҳаракати раҳбарлари «Хиз-бут-тахрир» ҳақида: «Уларнинг этиб борадиган даражасида бизни бош-лангич даражамизга ҳам этиб ке-лолмайдик», дейди.

Ана шунинг ўзи кибру ҳазо эмас-ми? Ўзгалар фикрини қамситиш, зоҳирий ибодатлар сабабли қал-би иймон билан мунавар бўлган кишиларга нисбатан ҳақоратомуз сўзлар билан мурожаат этиш ис-ломнинг қайси таълимотига хос экан. Кўрьонда «Эй мўминлар, (сизлардан бўлган) бир қавм бошқа бир қавм устидан масха-р қилиб кулмасин — эҳтимол-ки, (ўша масха-р қилинган қавм) улардан яхшироқ бўлсалар. Яна (сизлардан бўлган) аёллар ҳам бошқа аёллар устидан масха-р қилиб кулмасинлар — эҳтимол-ки, (ўша масха-р қилинган аёл-лар) улардан яхшироқ бўлса-лар». (49:11).

Бу ота-бобларимиз эътиқоди бўлган ислом динининг умуминсо-ний қақирғидир. Кибру ҳазо эса ислом таълимотига ёт тушунча.

Кибрунинг айрим жиҳати хусуси-да фикр билдирилди, аммо унинг турли кирралари мавжудки, бу ҳақда алоҳида-алоҳида мулоҳаза қилимоқ мақсадга мувофиқдир. Хуллас, инсон эришган хар бир ютуқ ёки камолот даражасида Оллох таолонинг унга берган ақл-идроки, иймон-эътиқодининг инъ-икосидир. Бундай муваффақият-лардан сармат бўлиб, кибрланиш-дан Яратганинг ўзи асрасин.

Сарвар АБДУЛЛАЕВ



Ким кўп олма ейди? Маълум бўлишича, швейцарияликлар олмага жуда ўч эканлар.

Мамлакатнинг хар бир фуқароси йилгига ўртача 32 килограмм олма истеъмол қиларкан. Немислар бу «му-собақа»да 25 килограммли курсаткич билан иккинчи ўринни, фаранглар эса 21 килограмм билан учинчи ўринни эгаллаб туришиб-ди.

Швейцарияликлар нафа-қат олмахур, балки қора ик-рани истеъмол қилишда ҳам дунё бўйича биринчи ўринда экан. Унинг 6.5 мил-лионлик аҳолиси четдан 20 тонна қора икра сотиб ола-ди.

Ўмғирдан сўнг... Хўжағат (малина) ва қорағат (смородина) мева-лариде қачон С витамини кўп бўлади, қачонки, май ойидан июлгача ёғин-сочин мўл бўлса, ўшанда уларнинг меваларида С витамини ҳатто меъёрдагидан икки баробар ортиб кетаркан.

Кизиги шундаки, бу ўсимликларнинг мевалари, айниқса, ёмғирдан кейин жуда катталашади. Шунинг учун ҳам меваларни ёмғир-дан сўнг дарҳол териб олиш лозим. Бўлмаса улар яна кичрайиб кетади.

Бодринг тунда ўсади Олимларнинг таъкид-лашларича, иссиқхонага экилган бодринг тунда ўсаркан.

Эрталабки соат саккиз-да ўсишдан тўхтади. Кун-дузи харорат исиб кетса бодринг қийналади, шлан-қудда сув қуйиб турилса ҳам. Яхшиси сунъий ёмғир ёғдирилгани маъкул, шун-да худди душ қабул қилган-дек танаси ярайди ва ўсишда ҳамда оғирлик тўплашда давом этади.

Ўлмас новдалар Катта ва Кичик Багама оролларида ўсадиған «Ҳаёт дарахти» деб аталувчи дарахт ҳақиқатдан ҳам яшов-чанлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Унинг ерга тиқилган хар бир новдаси, албатта, қўқа-риб, катта дарахт бўлиб етишади. Новдасини ҳатто сувсиз сахрога ёки нурсиз зулматга суқилса-да, қўқа-риверади.

Саховатпеша Иван чув тушди Москва вилотияда исти-қомат қилувчи 16 ёшли Иван П. ўзича ҳазил қил-моқчи бўлиб, қўчага эълон осиб қўйди: «Бородино жанги фахрийларига мод-дий ёрдам қўрсатилди».

Бахтга қарши эълон ости-га уй манзилни ҳам ёзиб қўйган экан. Шу кун-ийёқ унинг уйини ўғри уриб кетди ва улар ўз на-вбатияда уй эгасига ёзув қолдиришибди: «Сахова-тингиз учун катта раҳмат!» деган. Остига эса: «Боро-дино жанги фахрийси» деб имзо ҳам чекиб қўйибди.

Эркакнинг аёлдан фарқи Францияда чиқадиған журналлардан бири эркак-нинг аёлдан фарқи юз хил турдан иборат эканлигини санаб ўтди. Масалан, эркакларнинг миёси аёллар-нидан 250-350 грамм оғирроқ экан, аммо бу эркаклар аёлларга қараганда ўта ақли, деган гап эмас.

Аёлларнинг хид сезиш қобилияти эркакларники-дан 20 фоз кўчирок. Бироқ негадир парфюмерия яратувчиларнинг 80 фози-зини эркаклар ташкил этади. Аёллар эркакларга қараган-да икки қара қўпроқ оғир руҳий ҳолатга тулишаркан. Музикани ҳам жуда нозик «тушуняди».

Эркакларнинг сержаҳл-лигини ўзимиз ҳам яхши билимиз. Шу жаҳлдорлик сабаб эркаклар 15-24 ёши-да аёлларга нисбатан 6 марта кўп оғир ахволатга ту-шиб қолади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ  
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Нашрни етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.